



СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 53 (19.129)

1985 йил 2 март, шанба

Баҳоси 3 тийин



• Бугун Тошкентдаги В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида республика қишлоқ хўжалиги ходимларининг кенгаши очилади.

БОШҚАРУВНИ ИЛМИЙ АСОСДА ТАШКИЛ ЭТАЙЛИК

Одам билан яшарар олам, дейишди. Ҳақ гап. Меҳнат-каш инсон она заминин бахисоли елкасида кўтариб, ардоқлайди. Унинг бағрида инсон риъз-рўзи учун ниманки зарур бўлса, ҳаммасини ундирди. Кундалик турмушда биз истеъмол қиладиган жами маҳсулотнинг тўртдан уч қисми қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келишини мутахассислар ҳисоблаб чиқирган. Шунинг яримдан кўли озиқ-овқат маҳсулот.

Партия XXVI съездида қабул қилинган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 — 1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»да мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ҳом ашёси билан ишончли тарзда таъминлаш ағросаноат комплексининг асосий вазифаси эканлиги таъкидланган.

Бу вазифалар КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қабул қилган СССРнинг Озиқ-овқат программасида ўзининг тўла ифодасини топди. Унда ағросаноат комплексининг моддий-техника базасини ривожлантиришнинг асосий йўли-йўриқлари белгилаб берилган. Шунга кўра қишлоқ хўжалигини бошқарувчи янги органлар — ағросаноат бирлашмалари ташкил этилди.

Партия Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг «Қишлоқ хўжалиги ва ағросаноат комплексининг бошқа тармоқларини бошқаришни ахшиллаш тўғрисидаги қарорига биноан бошқариш системасининг энг муҳим бўлиги — район ағросаноат бирлашмалари иш кўра бошлади. Социалистик воқелигимиз бу янгиликнинг ҳаётийлигини аққол кўрсатиб турибди. Утган уч йил мобайнида РАПО ибораси худди колхоз, совхоз деган тушунчалар каби онгимизга сингиб кетди.

Район ағросаноат бирлашмаси деганда биз колхоз, совхоз, хўжаликларро ташкилот, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларнинг маҳсулотини қайта ишлаш билан боғлиқ корхона, муассасалари, қишлоқ хўжалиги техникасини ремонт қилувчи, экинларни касаллик ва зараркундалардан ҳимоя қилувчи ташкилотларни, маҳсулот билан савдо қилувчи соҳаларни, бошқа кўп бўлимларини ўз ичига олувчи замонавий яхлит бир ташкилотни тушунамиз.

Ҳозир республикамизнинг барча қишлоқ районларида шундай бошқарув органлари ишлаб турибди. Уларнинг кўпчилиги юқори малакали мутахассислар, омиликдор кадрлар билан таъминланган. Бирлашма раҳбарлари ва етакчи мутахассислар район ва область партия комитетларининг бюросларида ҳар томонлама пухта кўриб чиқилиб, тасдиқланган.

Энг муҳими — одамлар янгиликни маънавий тиз аниқлаб олишди. Ўз касбининг фидойилари, етакчи мутахассислар қўлай иш жойларини, ҳузур-ҳаловатларини ҳеч иккинланмай сарташмиш, машаққатли ишга алоқадорлик, қолдоқ участкаларни илгорлар даражасига етказиб олиш учун ишга қизғин киришиб кетдилар. Шуниси диққатга сазоворки, область, район партия комитетлари қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг янги тартиби ҳаётийликмида чўқур илдиз отиш учун барча ташкилий, тарбиявий тадбирларни амалга оширмоқдалар. Натижанда кўпчилик ағросаноат бирлашмалари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини малакали бошқаришга эришмоқда.

Амалий иш жараёмида баъзи ходимларнинг янги ҳароматда самарали меҳнат қилишга тайёр эмасликлари маълум бўлиб қолди. Шунда партия комитетлари область қишлоқ хўжалик ташкилотларининг ходимлари, омиликдор, ташкилотчилик қўбилигини амалда кўрсатган мутахассислар ҳисобига уларни мухташамлаб, жуда тўғри йўл тутилди. Бў, Наманган, Қосонсой, Қонимеҳ, Ленин йўли, Бойвот, Бекобод, Ўзбекистон, Қонқа, Гурлан, Тошкент районларининг ағросаноат бирлашмалари фаолияти диққатга сазовордир. Экономикани юксалтириш бу бирлашмалар кенгашининг кундалик ишида асосий ўрин тутди. РАПО кенгашининг эътибори иқтисодий кўрсаткичларни ахшиллашга, қишлоқ меҳнатчиларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини оширишга қаратилганлиги тўғрисида эришилган натижалар салмоқли бўлди. Бу тўғрисида социалистик мусобақаси якуналарига кўра бу районлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЛКСМ ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан тақдирланди.

«Эришилган натижалар — катта ишнинг бошланғич ҳолос, — деб ўқитди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко. — Ишларимиз, бунинг устига кечиктириб бўлмайдиган ишларимиз жуда кўп. Биз олға томон тезроқ бора оламиз ва шунини истаймиз. Экономикани интенси ривожлантириш проблемаларини анча зўр ғайрат билан ҳал эта оламиз ва шундай ҳал этишимиз керак».

Олдимизда турган бу вазифаларни муваффақиятли бажариш — партия, совет ташкилотларининг, қишлоқ хўжалик органларининг муҳим бурчи. Қишлоқ хўжалигини экономиканинг юксак ривожланган секторига айлантириш учун ҳаёт ўртага қўйётган проблемаларини янги ҳиссага, самарали ҳал этиш зарур. Кўп жойларда худди шу тахлитда иш олиб борилмоқда.

Афсуски, жонли, амалий фаолиятни турли-туман маълумотлар тўғрисида, шундай ҳам барчага маълум умумий йўл-йўриқлар, ҳисобот ва справалар янгишдан иборат деб ҳисобловчи ағросаноат бирлашмалари ҳам йўқ эмас. Уларнинг асосий вазифаси — аввало одамлар ўртасида янги муносабатларни қарор топириш проблемалари билан шугулланишда, умумий ишнинг пиривард натижаси учун кўраш олиб боришда эканлигини район партия комитетлари ва райкомкомлар уларга қатъий ва принципаллик билан ўқитмалятилар.

Ҳозир бошқариш тартиби сифат жиҳатидан янги погонга кўтарилган экан, бундай шароитда раҳбарлик услуби ҳам янги ҳолиши, колхоз, совхоз кадрларига кўпроқ ишонч билдирилши, ишлаб чиқарш резервларини қидириб топиш ва ишга солишда уларнинг ташаббускорлигига кенг йўл очиб берилиши зарур. Ана шундангина ишда муваффақият қозониш мумкин.

Бугун пойтахтимизнинг мухташам қошонасида — В. И. Ленин номида СССР халқлари дўстлиги саройида республика қишлоқ хўжалиги ходимларининг кенгаши очилади. Донгдор пахтакорлар, сазавотчилар, боғбонлар, пиллачилар, маккамжўроркорлар, чорвадорлар, сув хўжалиги ходимлари маҳсулот етштиришни кўпайтириш, сифатини ахшиллаш бўйича эришган ютуқларимизни сарҳисоб қиладилар, йўл қўйилган камчиликларини ҳолисона баҳолаб, 1985 йилги вазифаларини белгилаб оладилар. Улуғ Ғалабаинг 40 йиллигини, шонли партиямизнинг XXVII съездини муносиб кўтиб олишга астойдил бел болаган республикамиз барча меҳнатчиларини каби ағросаноат комплексни ходимлари ҳам бугун кенгашда зиммамизга оладиган юксак социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига муносиб ҳисса қўишларига ишончимиз комил. Зеро, ваздага вафо — мәрдинг иши!

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ АМЕРИКАЛИК ВЕТЕРАНЛАРИ ХАТИГА К. У. ЧЕРНЕНКОНИНГ ЖАВОБИ

Константин Устинович номида иккинчи жаҳон урушининг бир ғуруҳ америкалик ветеранларидан хат тушди. Ҳақ гап. Меҳнат-каш инсон она заминин бахисоли елкасида кўтариб, ардоқлайди. Унинг бағрида инсон риъз-рўзи учун ниманки зарур бўлса, ҳаммасини ундирди. Кундалик турмушда биз истеъмол қиладиган жами маҳсулотнинг тўртдан уч қисми қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келишини мутахассислар ҳисоблаб чиқирган. Шунинг яримдан кўли озиқ-овқат маҳсулот.

Америкалик ветеранлар ядро қуролини тугатишни бош вазифа деб ҳисоблайдилар ва барча қишлоқ номида СССР билан АҚШ ўртасида шу мақсадга ҳизмат қиладиган ағросаноат эришилди, деб умид қиладилар.

Кўйинда иккинчи жаҳон урушининг америкалик ветеранлари хатига ўртоқ К. У. Черненконинг жавоби эълон қилинмоқда.

Иккинчи жаҳон урушининг ғўрматли америкалик ветеранлари! Сизларнинг хатингиз ҳозир бутун инсониятга таҳлика солиб турган вафодар қарор катталигини, ядро уруши муқаррар қандай ҳалокатга олиб боришини англошчи бирон кишини беғайр қолдирмайди. Сизлар билдирган ҳис-туйғуларини Совет Иттифоқидagi ҳар бир киши маъқуллайди, чунки бизнинг мамлакатимизда иккинчи жаҳон урушидан азият чекамган бирорта овла йўқ. Шу боисдан ҳам бизнинг мамлакатимизда инсоният тарихидаги мана шу энг қўн қон тўқилган уруш ветеранларини, бизнинг ҳаётийликмиз ва овозлигимизни ҳимоя қилиб қолган кишиларни астойдил ардоқлайдилар, меҳр-муҳаббат ва ғамхўрлик билан қўраш оладилар. Биз фашизмга қарши қурашнинг бошқа мамлакатлардаги қатнашчиларига, шу жумладан иккинчи жаҳон урушининг америкалик ветеранларига ҳам шундай иззат-иқром билан қараймиз.

Фашизм устидан қозонилган Ғалабаинг 40 йиллиги арафасида ҳозир биз ҳалок бўлганларингизга, телба на

қирларингиз жаҳонга ҳўмрон бўлиш йўлидаги уринишларини барбод қилиш учун инсоният нақадар кўп талафот берганлигини эслаётганимиз йўқ. Қарийб 50 миллион кишининг ёстигини қуришдан уруш тўғрисидаги хотира — даҳшатли оғохлантиришлар, келажак учун сабоқдор. Сизлар ўз хатингизда инсонларга хос содда ва шу билан бирга аниқ қилиб айтганингиздек: «Эльбада қўчқ очиб учрашган солдатларнинг азлоқлари душман бўлмасликлари керак». Мен сизларнинг фикрингизга тўла қўишланам.

Бунга қўшимча қилиб айтганимиз, бундай қилиш қўлини қўлга бериб, Ёзуалик ва истибод қулларига қарши қурашган кишилар олдидаги бурчимиздир.

Ғарчи СССР ва АҚШнинг социал-иқтисодий системалари ҳар хил бўлса ҳам қўйин давларда улар умумий душманга қарши, мухташам тинчлик манфаатлари йўлида бирлашшига муваффақ бўлганликларини уруш йиллари исботлади. 1945 йилининг февраль кунлари эста тушади, ўшанда гитлеризмга қарши коалициядаги уч давлат — СССР, АҚШ ва

Буюк Британия раҳбарлари Ялтада учрашиб, муҳим қарорлар қабул қилдилар, бу қарорлар урушдан кейинги дунёнинг қиёфасини кўп жиҳатдан белгилаб берди. Афсуски, хозир Ғарбаги баъзи киимсалар тарихни қайтадан ёзишга, иттифоқчилар қабул этган мажбуриятларининг ҳақиқий маъносини сохталаштиришга уринмоқдалар.

Аммо ўтган урушининг бош сабоқларидан бирини эсдан чиқаришга ҳеч ким мажбур қила олмаслигига аминман, бу сабоқ аса шундан иборатки, Совет Иттифоқи билан АҚШ ўшанда жаҳонга ҳўмронликка даъво қилган киимсаларга бирлашиқда зарба берган эдилар. Иккинчи жаҳон урушининг тажрибаси ҳозир одамлар уруш хавфини даф қилиш, тельбанам қурулланши пойғасини тўхтатиш учун қўғайратларни бирлаштириш зарурлигини қатъий тақозо этади.

Ҳозир ер юзидида ҳаёт давом этиши керакми ёни йўқми деган масала устиди гап борар экан, Совет-Америка ҳамкорлиги ҳаётий заруратдир. Дунёдаги кўп нарсани СССР билан АҚШ

Иттифоқига, унинг холисиниятигагина боғлиқ эмас. Ағдномага эришиш учун иккинчи томоннинг ҳам мана шундай тайёрлиги керак бўлади.

Урушдан кейинги қирқ йил зуравонликка, ҳарбий устуналикка эришишга умид боғлаш кескинликни, душманликни кучайтиришга олиб боришини кўрсатди. Тоғ-тоғ қилиб уйилган қурул-ағролар ҳеч кимнинг хавфсизлигини, шу жумладан АҚШнинг хавфсизлигини ҳам мухташамламади. Вужудга келган вазиятдан қўтилишнинг илоизи битта, у ҳам бўлса ядро қуролини абадулдан йўқ қилиб ташлади.

Ҳалол, реалистик мунозара — биз интилимиз дозим бўлган шу туб мақсадга эришиш йўлидир. Тинчлик урушдан қулроққ бўлиб чиқши мумкин ва лозимлигига бизнинг ишончимиз комил.

К. У. ЧЕРНЕНКО.

Иккинчи жаҳон уруши америкалик ветеранларининг бир ғрупаси мурожаатномасига К. У. Черненконинг қайтарган жавоби тексти Мингдан штатининг Гранд-Рапидс шаҳридаги ветеранлар уйда хат муаллифлари тоширилди.

Ветеранлар К. У. Черненконинг жавобини зўр миннатдорчилик билан қабул қилиб олдилар. (ТАСС).

ИТТИФОҚДОШ, АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАЛАР ОЛИЙ СОВЕТЛАРИГА ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИГА ЎТҚАЗИЛГАН САЙЛОВНИНГ ЯКУНАЛАРИ ТўҒРИСИДА

АХБОРОТ

(Сайлов натижалари тўғрисидаги маълумотлар СССР Олий Совети Президиуми иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумларидан олган материалларга мувофиқ эълон қилинмоқда)

1985 йил 24 февралда иттифоқдош, автоном республикалар Олий Советларига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига навбатдаги сайлов ўтказилди.

Сайлов коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блонининг янги ғалабасини ишонлади ва мамлакатимиз ҳаётида жуда катта ижтимоий-сиёсий воқеа бўлди. Сайлов халқ ҳўжиятининг янада кенгайтириш ҳамда халқ депутатлари Советлари фаолиятини тақомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Сайлов кампанияси меҳнатчиларнинг КПССнинг навбатдаги XXVII съезиди, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабаинг 40 йиллигига актив тайёргарлиги белгиси остида ҳамма ерда гоийий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтди. Сайлов кампанияси партия билан халқнинг метиндек бирлигини, советлар мамлакатидидаги барча илдиз ва элатларнинг дўстлигини, совет кишилари ўн биринчи беш йиллик тошириқларини муваффақиятли бажаришга, ўз Ватанининг иқтисодий ва мудофаа қудратини зарбдор меҳнат билан мухташамлашга қатъий аҳд қилгани намоён эди. Мамлакат иқтисоди, социал ва ижтимоий-сиёсий таракқиётининг муҳим масалалари, ривожланган социализмни тақомиллаштиришнинг актуал проблемалари, хозирги шароитда КПСС стратегияси ва тактикаси ҳусусида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Константин Устинович Черненко асарлари ва нуқтарлари, унинг Москва йаҳри Кўйибеш сайлов округи сайловчилари йнгиллишидаги нуқтида баён этилган қондалар ва хўсосалар сайловга тайёргарлик

қўришининг боришига ва унинг якуналарига катта таъсир қўради.

Иттифоқдош ва автоном республикалар давлат ҳўжиятининг олий ва маҳаллий органларида сайлов совет кишиларининг сиёсий онги юксак даражада эканлигини, уларнинг партия ишига сазоқатини аққол намоиш этди, социалистик демократиянинг ёркин тантанаси бўлди.

Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш амалдаги қонунларга тўла мувофиқ равишда сайловчиларнинг актив иштирокида ўтди.

Сайловни ўтказиш учун 959.087 сайлов комиссияси тузилди, уларнинг ишда жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг 8.805.744 вакили қатнашди. Комиссияларнинг составида эркеклар — 4.342.682 кишини ёни 49,3 проценти, хотин-қизлар — 4.463.062 кишини ёни 50,7 проценти, КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар — 3.620.357 кишини ёни 41,1 проценти, партиясизлар — 5.185.387 кишини ёни 58,9 проценти, ишчилар — 4.081.009 кишини ёни 46,4 проценти, колхозчилар — 1.085.162 кишини ёни 12,3 проценти, 30 га тўлмаган ёшлар — 2.909.842 кишини ёни 33 проценти, ВЛКСМ аъзолари — 1.982.922 кишини ёни 22,5 проценти ташкил этди.

Ўн беш иттифоқдош республика, 20 автоном республика Олий Советларига ҳамда 52.041 халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ўтказилди.

Мамлакатда 175.971 та сайлов участкаси тузилди. Сайловчилар рўйхатида 185.321.639 киши киритилди. Сайловда 185.289.464 сайловчи ёни 99,98 проценти қатнашди.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида 1 март куни етакчи лойиҳалаш, илмий-тадқиқот, конструкторлик ва қидирув институтлари директорлари ҳамда партия ташкилотлари секретарларининг, СССР бир қанча министрликлари ва ядорлар раҳбарларининг, иттифоқдош республикалар Госстройлари раисларининг, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, баъзи ўлка ва область партия ташкилотлари қурилиш бўлимлари мудирларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитети билан СССР ҳўкумати қурилишдаги лойиҳа-смета ишини янада тақомиллаштириш тўғрисида қабул қилган қарорларнинг бажарилишини ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

Муҳонама қилинган масала юзасидан СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Э. Димшин доклад қилди. Кенгашда шу нарсга таъкидлаб ўтилдики, лойиҳа-смета ишини тақомиллаштириш КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг экономикани интенсивлашши жадаллаштириш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш; капитал маблаг самарадорлигини ошириш ҳақидаги, аввало, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуруллантириш ҳисобига асосий фондларни янгилаш тўғрисидаги қўрсат

маларини рўйга чиқаришда муҳим омил бўлиб қолиши лозим.

Лойиҳачилар халқ ҳўжалиги соҳасидаги катта-катта вазифаларни ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшаётганликлари кенгашда ўқитиб ўтилди. Шу билан бирга саноат ва граждон объектларини лойиҳалаштиришда катта камчиликлар бор. Лоийҳаларда кўпинча эскирган технологияларни қўлланиш кўзда тутилмоқда, ҳамжиқ планлаштириш ечимлари ва безакларда ҳўсоларга, ор тинчликларга йўл қўйилмоқда, оғир ва кўп материал кетадиган конструкторликдан фойдаланилмоқда. Бу вса объектларнинг ўринсиз қимматлашиб кетишига олиб бормоқда. Типовой лойиҳаларни ишлаб чиқишда нуқсонлар мавжуд. Шу ва бошқа камчиликларни жуда тез тугатиш бутун халқ ҳўжалигининг манфаатлари ҳисобига даҳлдор бўлган ғайрат зарур вазифадир.

Кенгашда самарали технология жараёналарини ижмоий борича кўпроқ қўлланиши, ишларни комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришини, янги қурилиш конструкториялари ва материалларини эътиборга олиб, лойиҳаларнинг техникавий-иқтисодий даражаси юксак бўлишини таъминлашга онд амалий тадбирларни қўриш зарурлигига СССР Госстройининг, министрликлар ва ядорлар, лойиҳалаш, илмий-тадқиқот ва конструкторлик ташкилотлари раҳбарларининг диққат-эътибори жалб қилинди.

(Давоми иккинчи бетда).



Суратда: республика қишлоқ хўжалиги ходимлари йнгилтиш қатнашчиларидан бир ғрупаси. [Чапдан] Пахтабод районидидаги Ёқубов номида колхоз раиси Мақсууд Уларова, Москва районидидаги Киров номида колхоз раиси Қумирқон Рустамов, Пешку районидида «Ленинизм» колхози механизатори Латиф Ҳабидуллаев, Хўжайли районидида «Амударё» совхозининг пахтачилик бригадаси бошлиги Алчмбой Раев, Хўжайли районидидаги Ленин номида колхозининг маккамжўрорчилик бригадаси бошлиги, Ўзбекистон Ленин юксак сомоли мунофотининг назуратчи Ширин Юсупов, Қосонсой районидида «Дўстлик» совхозининг пахтачилик бригадаси бошлиги Абдусаттор Шарипов, Шофиркон районидида И. Мўминов номида колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиги Эргаш Мумтаев, Наманган районидидаги «Партия XXII съезди» колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиги Абдураҳмон Жўраевлар.

В. Молчаев ва С. Маҳмадов фотоси.

МАШИНАСОЗЛАРГА БАЙРОҚ

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги, 1984 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш планини муваффақиятли бажарганлиги учун Тошкент «Польёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЛКСМ ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

ҳамда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставасининг Бутуниттифоқ «Ҳўрмат тахтаси»га ёзиб қўйлади. Машинасозларнинг 1 март куни бўлиб ўтган тантанали йнгиллишида СССР оғир ва транспорт машинасозлиги министрларининг ўринбосари Б. Ф. Қудлик бирлашма коллективига байроқни топширди.

(ЎзТАҒ).

ИНТЕНСИВЛАШ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ



Ҳаёт қишлоқ хўжалигини эконимиканинг юксак даражада ривожланган секторига айлантириш йўлида ўртага қўяётган проблемалар янгича, жуда самарали ҳал этилишини талаб қилади.

К. У. ЧЕРНЕНКО

БРИГАДА ПУДРАТИГА КЕНГ ЙЎЛ

Совхозимиз меҳнат аҳли КПСС XXVII съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини бажара бориб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари қўйиб қўйди. Меҳнаткашларимиз сўғорилган ерларнинг унумдорлигини кўтариш ва унинг ҳар гектардан имкони борича кўпроқ маҳсулот олиш мақсадига ижодий эъланиш, илгор усулларини қўлланish йўлида дадил қадам ташламоқдалар. Меҳнатини ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илгор прогрессив формаси — бригада пудрати совхозимизда кенг жорий этилди.

БИЗНИНГ СПРАВКА

● Республикада 2 мингдан зиёд пахтачилик бригадаси пудрат усулида ишлаб турибди. Уларнинг тажрибасини ҳаммагининг мулкига айлантирайлик.

Эндиликда сновдан ўтган ҳамда яхши самара бераётган истиқболли бу усул янги маъмул, илгор тажриба ва им-фан қўшуллари билан бойимокда. Узоқ вақтга нисбатан янги усулнинг бу неча бригадани бирлаштирган алмашлалб екиш участкалари ташкил этилди. Пировард натижада ишлаб чиқаришдан олинган даромад кўпайди, пахтакорларнинг моддий манфаатдорлиги кучайди.

1984 йилда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, хўжалик эконимикасини мустаҳкамлаш борасида яхши натижаларга эришилди. Ҳар гектар ердан 40 центнердан зиёд пахта ҳосили кўтарилиди. Ҳосилдорлик планга нисбатан 5 центнерга ўсди. Давлатга 15 минг тонна «оқ олтин» сотилиди. Шундан 14 минг тоннадан ортиғи қимматбаҳо ингичка тоғали пахтадир.

Ўрта К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетини 1984 йил октябр Пленумидан натижа: «Қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш тўғрисида тўққизлик эрга — биринчи эрга қимматли бойликларимиздан бригада бошқача муносабатда бўлишни тақозо этади... Шунда ер сажийлик билан самара бераверади», — деди.

Биз бригада пудратини жорий этишга 1980 йилда киришган эдик. Бу йил пахтакорларимиз меҳнатини ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бу прогрессив усулини янада муваффақиятлироқ қўлланиб, гектаридан камида 45 центнердан юқори сифатли ҳосил олишни мўлжаллашмоқда. Шу мақсадда совхозимиздаги 81 та бригада негизинда 12 та алмашлалб екиш участкаси ташкил этилди. Гап шундаки, пахта ни беда ва бошқа экинлар билан алмаштириб экиш учун ер майдони учта катта бўлмаган бригадага нисбатан ўз составига 3 ёки 4 та бригадани бирлаштирган участка кўпроқ имкониятларга эга.

Ҳаёт олға бормоқда. Кечанинг нарядси ишлаш усулига ўтган бригадалар бугун

РЕЗЕРВЛАР — КАТТА БОЙЛИК

лирилади, аммо амалда прогрессив иш усулларини ўрганиш, уни кенг қўлданishга етарли эътибор берилмаётган. Ҳозир автоном республикада ҳар гектар ердан 75-80 центнердан «қирмази дон» олаётган пешқадам бригадалар анчагина. Аммо ҳосилдорлигини 35-40 центнердан оширолмаётган коллективлар кўpchилини ташкил этади. Менимча, юқори ҳосилли бригадаларда илгор тажриба мактаблари ташкил қилиш керак. Шולי ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим омилларидан яна бири алмашлалб екишнинг кенг йўли бўлишидир. Аммо кейинги пайтда бу масалага етарли эътибор берилмаётган. Доимо бир хил экин экиб келинаётган ерларнинг унумдорлиги эса пасайиб кетмоқда. Ўсимликнинг касаллик ва зараркуналдарга бардош-



Замонгошларимиз РАЙКОМ СЕКРЕТАРИ

Мақсулди Ҳайдаровнинг бутун ҳаёти қишлоқ билан боғланган. У қишлоқда ўсиб камолга етди. Ташкилотчилик институтини битиргач, қолхозда бухгалтер бўлиб ишлади. Меҳнатга чанқоқлик, хизмат бурчиға садоқат, камтарлик уни ҳурмат билан олаётган юқори кўтарди. Партия сафиға ўтди. Район молчи бўлишининг мудури, район ижроия комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишлади.

яхшиланиб бормоқда. Район пахтакорлари ўн биринчи беш йилнинг тўрт йилида пландағига қўшимча 36 минг тонна «оқ олтин» тоширдилар. Ҳосилдорлик йил сайин 40 центнердан юқори бўлиб келмоқда. Бувайдаликлар ўтган йили она-Ватанга 52 минг тоннадан ортиқ пахта етказиб бериб, ҳосилдорликда 43,5 центнерлик натижа кўрсатдилар. Район қаторасига беш йилдан юқори КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб келмоқда.

Суратда: М. Ҳайдаров пахтакорлар даврасида. Т. Ҳамроқулов фотоси.

Ўтюраклилар-қўриқ ерларга

Ҳамид ҒУЛОМ, Ўзбекистон ССР халқ эзувчиси, СССР Давлат муковоти лауреати.

ВАТАН ДАЪВАТИ

Бўқун Фарғонадан — ғўзал водиймиздан Яна эшелонлар кузатилар йўлга. Манзилимиз анқ — мард аждодимиздан Бизга мерос бўлиб қолган қадим чўлга

Оталар каби ўтюрак авлодлар Янграбт билиннинг ҳўжумкор маршини, Забт этмоқча борар, худди Фарҳодлар, Жиззах даштларини, Мирзачўл, Қаршини.

Оқ йўл бўлсин сизга, қизил эшелонлар, Юзларингиз гўлгуни иқбол эбсидан. Кўзларингиз чанқар, жон қизлар, Сизга илҳом берган Ленин даҳосидан.

Сиз учун тарихдир, лекин бизлар гўвоҳ, Доғдй бошлал берган бу муборак шим; Мазлум Шарқ халқларини қисматидан огоҳ, Зарур деб билган у улуг бурлишини.

Илмчи имзо чеккан Декретнинг мазмуни — Бутун ҳаётингиз мазмуни бўлмак. Буюк жасратингиз беқийс эзминчи Сизлардан кутади замону келмак.

Қизил эшелонлар бир-биринга туташ, Худди поин йўк мусофот аланга. Ниангиз биландир сизлар жуда ўхшаш, Ҳа, ўхшаш чўлқувар қаҳрамон Тўланга.

Мен ҳар бирингизни таъриф этсам эрзим, Бирок ҳали вақт бор — умримиз узун. Ҳозирча сўзим шу — она ер мунтазим, Одамсиз сахро гўл, қадимий дашт маҳзум.

Тоғлардан чўлларга келди хуш нафас — Бу — баҳор нафаси, шошимлик, авлодлар! Ватанинг даъвати сиз учун муқаддас, Бунга жавоб бўлғай меҳнатлар, иждодлар.

Оқ йўл бўлсин сизга, қизил эшелонлар, Юзларингиз гўлгуни иқбол эбсидан. Кўзларингиз чанқар, мард қизлар, Уғюнлар, Сизга илҳом берган Ленин даҳосидан.

Қарши чўли билағида кучи, қалбда қўри бор кишидан саховатини аямайди. Ҳўра Бўтаев ҳам чўлда намол тоғанлардан бири. У 10 йилча бурун Наманган обласининг Тўрақўрган райондан Қарши даштига қўчиб келиб, деҳқончилик қилишга киришган эди. Ҳўра жасоратли меҳнати тўғрисида элда обрў топти. Бир неча йиллардан бери Нишон райониди Усмон Юсупов номли совхоз-техникумининг пахтачилик бригадасига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Қўриқ ер баҳодури 8 нафар ўғил-қизи билан ҳар йили пахтадан юқори ҳосил олмақда. Уғиллари Раҳматулло, Ибодулла, Ҳабибулло, Муродуллолар нарядсида системада ишлаётган бригаданинг ютуғига ютуқ қўшмоқда. Улар меҳнатсозорлик ҳам қилишади, ўрни келганда сувишкани ҳам қотиришади. Қўжини Меҳнат Қизил Байроқ ва Хурмат Белгиси орденлари бебаб турган Ҳўра Бўтаев бошлиқ бригада коллективини ўтган йили қийин шароитда гектаридан 35 центнердан дурдона янгиб олди. Бригада коллективини 182 минг сўм фойда олди.

Дарҳақиқат, одамларнинг қаҳрамонона меҳнати тўғрисида чўли ўлаштириш кўламини ошириб бормоқда. Шунга қарамай, Қарши даштида ишчи кучига ҳўнж катта. Айниқса, янги ташкил қилинган хўжаликларда механизаторлар, сувчилар, чорвалдорлар, хуллас, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланадиган турли касб кишилари сув билан ҳаводек зарур. Ишчи кучи етишмаслиги оқиба-

ЧўЛНИ БЎСТОН ЭТГАЛИ...

ган наманганликлар чин қалбдан муборакбод қилинди.

Биз наманганлик меҳмонлар вакиллари сўҳбатга тортидик.

— Махсус поездда 120 оила қўчиб келди, — деди Наманган обласи ижроия комитети меҳнат бўлими бошлиғи Абдусамат Отабеов. — Улар Косонсий, Тўрақўрган, Янгиқўрган, Наманган ва Уччи районларидан бўлиб, жами 140 кишидир. Маълумки, Наманган гуллар бог-роғлар шаҳри. Биз чўлни ҳам богу-бўстонга айлантириш мақсадида рамзий маънода ҳар бир оила ўзи қўчат ўтказиш учун бир ярим минг тул ниҳол ҳам олиб келган. Эрта-индин буни совхоз маркази «Чаргон» посёлкасига ўтказамиз.

Қалб даъвати билан келганлар сафида олий маълумотли агроном Ҳошимжон Турғунов ҳам бор эди. У ҳам Наманган район хўжаликларидан ишлаб деҳқончиликда анча тажриба тўплаган. Угли Шокир Турғунов моҳир механизатор. Отабеовда қўриқ ерга келишни, Уччи райондаги Охунбоев номили совхоздан механизатор Аскарбай Ражабов, Косонсий райониди «Правда» колхозини механизатори Толибжон Бекмурзаев, Янгиқўрган райониди «Заркент» совхозини инженер-механиги Фозилжон Алмаатов ва бошқа даштга қўчиб келганлар билан сўҳбатлар эканиси, уларнинг эзгу-ниятларини эшитиб, қалбингиз айрайди.

М. КАРОМОВ, «Совет Ўзбекистони» муҳбири.

Ташвишли сигнал ЧОРВА ОЗУҚАДАН БОШЛАНДИ

Сурхондарё обласи меҳнаткорлари озуқа етиштиришда кўпайтиришда бир мунча ютуқларга эришилди. Афсуски, кейинги йилларда сўғорилган майдонларда озуқа экинлари салмоғи пасайиб 12,2 процентга тушиб қолди. Шўрчи райониди озуқа экинлари салмоғи 9 процентни, Денов райониди — 9,1, Гагарин райониди — 8,4 ва Жарқўрган райониди 11,6 процент бўлди. Олтинсой, Ангор, Сароисиё ва Денов районлари хўжалиқлари озуқа экинлари экиш планларини бажара олмадилар. Эски беданоқларда озуқа ўстириш плани обласи бўйича атиги 86,1 процент бажарилди.

Обласи колхоз ва совхозларидан олинган ҳисоботларга кўра 1984 йил 1 декабрда 521,5 минг тонна ёки планга нисбатан 85 процент дағал-хашак тайёрланган. Бу — 1983 йилдагидан 229,3 минг тонна камдир. Гагарин, Ленин йўли, Шеробод, Ангор ва Бойсун районларида озуқа тайёрлаш ҳамда ўз йўли 61—73 процент бажарилган. Шу жумладан, табиий ва экинган ўт пичани 55 процент бажарил-

ди. Бу кўрсаткич Гагарин райониди 13 процентни, Ленин йўли райониди — 19, Жарқўрган райониди — 25, Шўрчи райониди — 26 ва Ангор райониди 33 процентини ташкил этди.

Озуқа тайёрлаш планларининг барбод бўлаётганлиғига асосий сабаб қатор йиллардан буюн ем-хашак экиш планларининг бажарилмаётганлиғидир. Айни пайтда бу борадаги ҳисоботларда чалмашиқларга йўл қўйилган.

Обласи ва район қишлоқ хўжалик органлари озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида етарли эътибор бермаётганлар, ихтисослаштирилган ем-хашак етиштирувчи бригадалар ҳамма жойларда ташкил этилмаган.

Шу йил 12 февралдан 17 февралга Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрининг тошйириниға буюн «Ўзгирозем» институти обласининг Шеробод ва Олтинсой районлариди 1985 йил ҳосили учун беда экиладиган майдонларни ўлчаб чиқдилар. Ҳар инки районда ҳам ошириб экиш ҳоилари юз бергани аниқланди. «Октябрь 60 йиллик» совхозиди 75 гектар майдонда беда экилади, деб ҳисобот тайёрланган. Аслида эса хўжалик беда уруғининг ўзи йўқ экан. Н. Муродов номили совхозда ҳисобота нисбатан 8 гектар, «Гулстони» совхозиди ҳисобота нисбатан 11 гектар нам беда экилган. Беданинг ҳаммаси қузда экилган. Район хўжаликлариди ўлчаб ўтказилган пайтда баҳорга экишга киришилмаганлиғи аниқланди.

Шеробод район агроносоти бирлашмаси кенгашида аёбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўрилди. «Октябрь 60 йиллик» совхозини бош агрономи Х. Вадиёв қузи беда экишда қўчиб ёзганлиғи учун вазирадидан бўштирилди. «Гулстони» ва Н. Муродов номили совхозларининг бош агрономлари Маматов ва Алимовларга охирги оғохлантириш билан қаттиқ хайфсан эълон қилинди.

Республиканинг тегишли органлари бундан буюн ҳам озуқа экинлари экиш планининг бажарилшини қатъий назоратта олишлари, турли хил қўчиб ёзиларга қарши курашини асло бўшаштирмасликлари зарур.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» КОНКУРСИГА

Иброҳим ЮСУПОВ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ХАЛҚ ШОИРИ

Илтижо

Менинг буюк тилагим: Не мушкулни кўрсак-да, Гўдакларнинг етим қолиб, Инлаганини кўрсатма...

Берар эдим унгагина Жонимни, ўз умримни. Бироқ менинг жонимни у Қай дардга эм этсин!

Қайси жойда аёлларнинг Бу — дунёда эрикларининг Жуда оғир гуноҳи.

ХАЛҚОБОДДАН ҚАНЧА ОДАМ КЕЛМАДИ...

Ғалаба кунини улар кўрмади... Қайтмади — Ингириза миллион азамат — Жон берди. Ваганина йага бермади.

Бағри бутун қолган одам бормикан! Қамлик, ҳижрон зардобни жондан ўтқиб, Ғалаба келди-ю, ўрик тўлмади.

Кимга фарзанд, кимга севган ёрмикан, Курбон бермаган уй топлармикан!

Н. НАРЗУЛЛАЕВ, ва М. ЖАЛИЛ таржималари.



Биз—интернационалистлармиз ДЎСТ ОРТТИРИБ, ИЛМ ОЛИБ...

Губалик студент Антонио Гонсалес Эрнандеснинг ҳаёт йўли эндигина бошланмоқда. У Овотлик оролининг Намагу-ёй шаҳрида туғилди...

турли мамлакатлардан келган йигит ва қизлар таълим олишмоқда. Улар ўз мутахассисликлари бўйича малака ошириб...

ба инқилобнинг қаҳрамони Че Гевара номдаги интернационал дўстлик клуби ташкил этилган.

РАДИО БАРАБАД ЭЛЕКТРОН ҚУРИЛМА

БЕМАЛОЛ ҚИШЛАЙДИ-ҒАНЛАР

Вир Заряд билан 80 йил

Table with TV and radio program schedules for March 3rd, including times and program names.

АХЛОҚ ВА ДАВР

УШБУ МАҚОЛА менинг кўп йиллик кузатишларим ва агар таъбир жоиз бўлса, оддий бир иншнинг қалбидан тўланиб қолган ўйлари, фикр ва мулоҳазалари натижасидир.

ий ҳисобда бўлади. Тўқувчи дастдоҳларининг эмас, айни пайтда дастдоҳлар ҳам тўқувчини бошқариш десам янглишмайман.

ни уйғоти. Албатта, интизом сўзини ҳади айрим кишилар ишга белгилаган вақтда келиб кетиши, деб тушунадилар.

ИНТИЗОМ—ҲАММАГА БАРАВАР

Шарофат Тошева саккиз йилдан буюн тўқувчи бўлиб ишлади. Коммунистик меҳнат зарбдор.



Алишер Навоий номи ўзбек давлат академик катта театрида.

ларда ип-калава тайёрлайдиган, хом сурт тўғийдиган филиаллар қурилиб, ишга туширилди.

га сadoқат ҳамда меҳр-муҳаббатдан бошланади. Кишиларнинг интизомлигини уларнинг ишга келиб-кетинларини билганига эмас, балки ишнинг қандай бақараётгани, тоширилган вазиғига қандай муносабатда эканлиги билан ҳам ўлчанади.

Яхши меҳнат роҳат келтиради. Шу кунларда 1987 йилининг март ойи ҳисобига газлама тўқинмади.

Кўпчилик одамлар ишчи виждони амрига қулоқ солиб ҳалол меҳнат қилмоқдалар. Бироқ баъзи бировлар кўл унчида ишлайдилар.

«Меҳнатга яраша ҳақ тўла, неъматларни тақсимлаш энг одил иш эканлигига мамлакатимизда ҳеч ким шубҳа қилмайдми ва шубҳа қилишни ҳам мумкин эмас.

Иккинчи меҳнат роҳат келтиради. Шу кунларда 1987 йилининг март ойи ҳисобига газлама тўқинмади.

КОМБИНАТИМИЗ ишчи ва хизматчилари ташкили КИСС Марказий Комитетининг XVI пленуми таълаблари ҳам ана шундай.

Дарҳақиқат, меҳнат интизоми мустақамламан ҳолда «хар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган тул принципга қатъий амал қилиш энг зарур вазиғлардандир.

Илимиз — ҳар бир совет кишиси ҳаётида, мамлакатимиз тақдирини чуқур из қолдирадиган алоҳида йилдир.

ОБ-ЖУВО

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

Тетикалик Воситаси

ҲАММАБОП ГИМНАСТИКА

Шарофат ТОШЕВА, Бухоро тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕЛИ КИЕВ ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

«ЖИЗЕЛЬ» 2 сакналик билет КАТНАШАДИЛАР

ТЕАТР НАВОИЙ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

ЦИРК ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Ўзбекистон ССР Нашрият, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети.

ОДИЛ АБДУРАҲМОМОВНИНГ

Ўзбекистон ССР Социал таъминот вазирлигининг республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1941 йилдан КПСС аъзоси

Орган ЦК Компартия Ўзбекистан, Верховно Совети ва Совети Министров Ўзбекилик ССР.